

туради: - Буғдойда 13-16%, 2Ясмиқда 30%, Нўхатда 25%, Ерёнғокда 29% Соя донида 40-42 % ни ташкил этади.

Баъзи бир сер ҳосил соя навларида 55% гача оқсил учрайди. Инсон организими хашиша гўшт, сут, катик, сариеғ, тухум ва бошқа маҳсулотларга жуда катта эҳтиёж сезади. Кундалик фаолиятимизда биз чорва маҳсулотларини истеъмол қилишга ҳаракат қиламиз. Биргина соя ўз оқсили ва аминокислоталари таркибида ҳайвон оқсилида бўладиган 10 та аминокислотани сақлайди. Бошқа ўсимликларда бунда имконият йўқ. (Ёрматова, 1991)

Соя изолятидан сунъий витчина, беком, колбаса, сасиска, қийма каби маҳсулотлар тайёрланади. Соя дони таркибида чорва маҳсулотларига қараганда оқсил, ёғ, қуруқ модда ва азотсиз экстрактив моддалар анча кўпдир. Масалан, соя унида оқсил 40 % бўлса, гўштда 21.4%, тухумда 14%, сутда 3.5%, ёғ соя унида 21% бўлса, гўштда 5.4%, тухумда 11%, сутда 3.55 ни ташкил этади. Ёки соя унининг 100 грамида 450 калория бўлса, гўштда 138, тухумда 162, сутда 66 калория бор. Ёғи олинган соя уни турли хил конфетлар ишлаб чиқаришда асосий маҳсулот бўлиб қолди. Ўзбекистонда соя ёш ўсимлик. Республикамизда соя 1930 йилдан буён экилади ва у Хитойдан Узоқ Шарқ орқали кириб келган. Ўзбекистонда охириги йилларда соя етиштиришга катта эътибор берилмоқда, экин майдонининг анча ортиши кутилади, чунки соя такрорий экин сифатида ҳам экилади. Сувли ерларда гетаридан 2,5-3,5 т. ҳосил олинади. Ўзбекистонда Д. Ёрматова. (1988) (2011), Х. Н. Атабаева (2000), (2008) ўстириш технологиясининг элементларини ишлаб чиқишган ва сояни экишни қизғин тарғиб қилишган. Сояни устиришнинг самарали усулларида бири уни эртаги бошоқли дон экинларидан бўшаган ерларда ўстириб йилнинг ёз ва куз фаслида қисқа муддатда 80-90 кун давомида 25-30 ц/га ҳосил етиштиришга эришиш ҳисобланади. Айниқса бошоқли дон экинларидан бири арпанинг ҳосили буғдойга қараганда 10-15 кун олдин етилади ва олдин йиғиштирилади. Такрорий экин сифатида сояни 10-15 кун олдин экиш имкони яратилади.

Арпадан бўшаган анғизли ерларда такрорий экин сифатида сояни ультра тезпишар ва тезпишар навлари такрорий экин сифатида экилганда, уруғида оқсил миқдори 50% дан ва мутлоқ қуруқ уруғида мой миқдори 20%дан кам кам бўлмаган, гектаридан 26-30 ц/га ва ундан зиёд ҳосилдорликни таъминлайдиган, ҳосилини техник воситалар билан йиғиштиришга қулай тезпишар навларини танлаш, ажратиш ва айримларини ишлаб чиқаришга жорий қилинса мақсадга мувофиқ булар эди.

ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

А.Файзуллаев – магистратура талабаси, Б.Мавлонов – илмий раҳбар, доцент

Дала тажрибаларида Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиали томонидан яратилган кузги юмшоқ буғдойнинг районлашган Яксарт ҳамда истикболли Ғозгон ва янги яратилган Бунёдкор навлари очик майдонда ҳамда ғўза қатор ораларида анъанавий СЗУ-3,6 ғалла экиш сеялкаларида эрта, ўрта ва кеч муддатларда 5 млн.дона унвчан уруғ ҳисобида экиб ўрганилди. Тажрибалар 30 м² (ҳисобий 25 м²) майдонда 3 қайтариқда олиб борилди. Ўтказилган тадқиқот тажрибаларида дон ҳосилдорлигига экиш усуллари, муддатларнинг ҳам таъсири катта бўлиши аниқланди. Тажриба натижаларига кўра, ҳар қандай экиш усулида ҳам эрта муддатда экилганда, навларнинг тўла физиологик етилиши, ҳосил шаклланиш (гуллаш-сут, мум пишиш) давлари узоқ бўлиши ҳосилдорликнинг ошишини таъминлаши аниқланди.

Ғозгон нави эрта муддат 10 октябрда экилганда дон ҳосилдорлиги очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 68,9-71,5 ц/га, ғўза қатор ораларига СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда эса 61,5-64,6 ц/гани ташкил қилди. Энг юқори ҳосилдорлик 6 млн.дона унвчан уруғ ҳисобида СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда очик майдонда 71,5 ц/га, ғўза қатор орасида 64,6 ц/га ни ташкил этди.

Ўрта муддат 1 ноябрда экилганда дон ҳосилдорлиги очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 64-66,6ц/га, ғўза қатор ораларига экилганда эса 57-61,9 ц/га кузатилди. Энг юқори ҳосилдорлик 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда очик майдонда 66,4 ц/га, ғўза қатор орасида 61.9 ц/га ни ташкил этди.

Кеч муддат 20 ноябрда экилганда дон ҳосилдорлиги экиш меъёрларининг ортиб боришига мос равишда очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 54,2-59,7ц/га, ғўза қатор ораларига СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда эса 39,7-41,7 ц/гаошиб бориши кузатилди. Энг юқори ҳосилдорлик 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда очик майдонда 59,7 ц/га ғўза қатор ораларига экилганда эса 41,7 ц/га ни ташкил этди.

Ҳозгон навидан эрта ва кеч муддатларда очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда, ўрта муддатда эса 5,5 млн.дона унувчан уруғ ҳисобидаэкилганда энг юқори ҳосил олиш мумкинлиги аниқланди.

Экиш муддатларининг дон ҳосилдорлигига таъсири

№	Вариантлар			Навлар номи	Ҳосилдорлик, ц/га			Ўртача ҳосилдорлик, ц/га	Қўшимча ҳосил, ўртачага нисбатан		
					Эрта муддат	Ўрта муддат	Кеч муддат		Эрта муддат	Ўрта муддат	кеч муддат
					10 октабр	1 ноябр	20 ноябр				
1	Очиқ майдон	СЗУ-3,6 сеялкада экиш	5	Ҳозгон	68,9	64,0	54,2	62,4	6,5	1,7	-8,2
2			млн дона	Бунёдкор	71,8	66,6	57,0	65,1	6,7	1,4	-8,1
3				Яксарт	68,1	65,1	53,2	62,1	6,0	3,0	-8,9
4			5,5	Ҳозгон	71,1	66,6	57,7	65,2	5,9	1,5	-7,4
5			млн дона	Бунёдкор	73,8	68,4	58,8	67,0	6,8	1,4	-8,2
6				Яксарт	74,9	67,3	54,6	65,6	9,3	1,7	-11,0
7			6	Ҳозгон	71,5	66,4	59,7	65,9	5,6	0,5	-6,2
8			млн дона	Бунёдкор	74,0	69,1	60,4	67,8	6,2	1,3	-7,4
9				Яксарт	74,6	71,0	61,1	68,9	5,7	2,1	-7,8
10	Ғўза қатор ораси	СЗУ-3,6 сеялкада экиш	5	Ҳозгон	61,5	57,0	39,7	52,7	8,8	4,2	-13,0
11			млн дона	Бунёдкор	62,9	59,0	40,1	54,0	8,9	5,0	-13,9
12				Яксарт	64,6	58,3	42,0	55,0	9,6	3,4	-13,0
13			5,5	Ҳозгон	64,3	58,8	40,9	54,7	9,6	4,1	-13,8
14			млн дона	Бунёдкор	67,2	60,7	41,9	56,6	10,6	4,1	-14,7
15				Яксарт	65,8	62,6	44,9	57,8	8,0	4,8	-12,9
16			6	Ҳозгон	64,6	61,9	41,7	56,1	8,5	5,8	-14,4
17			млн дона	Бунёдкор	66,9	64,1	43,9	58,3	8,6	5,8	-14,4
18				Яксарт	66,1	63,8	44,9	58,3	7,8	5,5	-13,3

Бунёдкор нави эрта муддат 10 октябрда экилганда дон ҳосилдорлиги очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 71,8-74ц/га, ғўза қатор ораларига СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда эса 62,9-67,2 ц/гани ташкил қилди. Энг юқори ҳосилдорлик 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда очик майдонда 74 ц/га, ғўза қатор орасида 66,9 ц/га ни ташкил этди.

Ўрта муддат 1 ноябрда экилганда дон ҳосилдорлиги экиш меъёрларининг ортиб боришига мос равишда очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 66,6-69,1 ц/га, ғўза қатор ораларига СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 59-64,1 ц/га кузатилди. Энг юқори ҳосилдорлик 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда очик майдонда 69,1 ц/га, ғўза қатор орасида 64,1 ц/га ни ташкил этди.

Кеч муддат 20 ноябрда экилганда дон ҳосилдорлиги экиш меъёрларининг ортиб боришига мос равишда очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 57-60,4 ц/га, ғўза қатор ораларига СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда эса 40,1-43,9 ц/гаошиб бориши кузатилди. Энг юқори ҳосилдорлик 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда очик майдонда 60,4 ц/га, ғўза қатор орасида 43,9 ц/га ни ташкил этди.

Бунёдкор навидан эрта ўрта ва кеч муддатларда очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда энг юқори ҳосил олиш мумкинлиги аниқланди.

Яксарт нави эрта муддат 10 октябрда экилганда дон ҳосилдорлиги очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 68,1-74,6 ц/га, ғўза қатор ораларига экилганда эса 64,6-66,1 ц/гани ташкил қилди. Энг юқори ҳосилдорлик 5,5 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда очик майдонда 74,9 ц/га, ғўза қатор орасида 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда эса 66,1 ц/га кузатилди.

Ўрта муддат 1 ноябрда экилганда дон ҳосилдорлиги экиш меъёрларининг ортиб боришига мос равишда очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 65,1-71 ц/га, ғўза қатор ораларига СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда эса 58,3-63,8 ц/га кузатилди. Энг юқори ҳосилдорлик 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда очик майдонда 71 ц/га, ғўза қатор орасида 63,8 ц/га ни ташкил этди.

Кеч муддат 20 ноябрда экилганда дон ҳосилдорлиги экиш меъёрларининг ортиб боришига мос равишда очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 53,2-61,1 ц/га, ғўза қатор ораларига СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда эса 42-44,9 ц/гаошиб бориши кузатилди. Энг юқори ҳосилдорлик 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида 61, ц/га, ғўза қатор орасида эса 44,9 ц/га ни ташкил этди.

Яксарт навидан эрта муддатда очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида 5,5 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда, ўрта ва кеч муддатларда 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда энг юқори ҳосил олиш мумкинлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда ҳар уччала навда ҳам очик майдон ва ғўза қатор ораларига экилган вариантда экиш муддати 10 октябрда гектарига 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантда ҳосилдорлик юқори бўлган, экиш муддати кечикиши билан ҳосилдорлик ҳам камайиб борган.

PAXTACHILIKDA ORGANIK VA MINERAL O'G'ITLARDAN BIRGALIKDA FOYDALANISHNING AHAMIYATI

F.Oltiboyeva – magistratura talabasi, Sh.Berdiqulov – dotsent

Respublikamizning qishloq xo'jaligida paxtachilik yetakchi tarmoq bo'lib, har yili 1.3-1.35mln gektar maydonga chigit ekilib parvarish qilinmoqda. O'tgan 2015-yilda 3 mln 350 ming tonna paxta yetishtirilib, o'rtacha hosildorlik 25-26 sentnerni tashkil etdi.

Hukumatimiz barcha choralar bilan hosildorlikni oshirishga jiddiy e'tibor qaratmoqda. Jumladan, urug'lik materiallari, o'g'it, sug'orish suvlari, kimyoviy va biologik himoyalash vositalari, yonilg'i va boshqa neft mahsulotlari, texnika vositalari va ularning ehtiyot qismlari hamda ilmiy-amaliy tavsiyalar, texnologiyalar va qo'llanmalar bilan uzluksiz ta'minlab kelmoqda. Shunday bo'lsada, sohada yuqori hosildorlikka erishilmayapti. Bunga asosiy sabab, tuproqda oziqa moddalar zahirasining kamayganligi va unumdorlikning pasayib borayotganligidir. Hozirgi vaqtda qishloq xo'jaligida qisqa rotatsiyali g'alla-g'o'za almashlab ekish tizimi joriy etilgan, bu tizim tuproq unumdorligini oshib borishini ta'minlay olmayapti. Natijada tuproqda organik moddalarning kamayishi, mikrobiologik jarayonlarning susayishi tufayli gumus va boshqa moddalarning miqdori yil-